

**СИРДАРЁ БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИНИНГ
БАДИЙ – ТАРБИЯВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Шуҳрат Тоҳтасимов,

*Ўзбекистон давлат хореография
академияси ректори, профессор*

Аннотация. Мазкур мақолада Сирдарё вилояти болалар фольклор рақсларининг ўзига хос бадиий-эстетик, маърифий – тарбиявий хусусиятлари тадқиқ қилинди.

Калит сўзлар: болалар рақси, фольклор элементлари, янги Ўзбекистон, маданий мерос, тарих, миллий ўзлик, маросим.

Ўзбек болалар фольклор рақс санъатида миллатнинг тарихи, қадим орзу-умидлари, бетакрор қадриятлари, олижаноб фазилатлари ўзининг бадиий – эстетик ифодас. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида миллий рақс санъати ҳақида шундай дейиллади: “Ҳар бир ҳалқнинг рақс анъаналари, ижро услуби, пластик тасвирий воситалари бўлиб, улар тарихий, ижтимоий ва географик шароитлар таъсирида таркиб топиб ривожланган. Рақс ҳалқ маросимлари, байрамларининг таркибий қисмидир.”¹

Рақс санъати болаларнинг эстетик туйғуларини тарбиялаш, уларни гўзаллик дунёсига олиб киришда рангин туйғуларга ошно қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ўсиб келаётган ёш авлодни миллий санъатимизга муҳаббат руҳида улғайтириш, рақс таълимими юқори босқичга чиқариш талаб этилмоқда. Айниқса, фольклор рақслари теран моҳияти, соғ ҳалқона ижро услублари билан томошабинни ҳайратга солади. Бугун ўзбек миллий рақс санъатини дунёга танитиб юрган “Сирдарёнинг саватчи

¹Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 7- ж. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат нашриёти., 2004. -Б. 266.

қизлари” композицияси аслида “Сават тўқиши” болалар фольклор рақси замирида яратилган. Ҳар бир бола, у кейинчалик қайси касбни танлашидан қатъи назар мусиқа ва рақс санъатини ўрганиши, уни севиши, ундан етарлича боҳабар бўлиши келажак учун пойдевор вазифасини ўтайди. Хореограф - педагог дунёни бола кўзи билан кўриши, табиатга улар каби бегубор муносабатда бўлиши шарт.

Халқимизнинг орзу - истаклари ва мифологик қарашлари, табиат ҳодисалари билан боғлиқ билим ва кўнималари асосида шаклланган мавсумий маросимлар туркумида Наврӯз байрами энг юксак мақомни эгаллаган. Анча йиллардан бери мамлакатимизда кенг нишонланадиган Мустақиллик ва Наврӯз байрамларининг болалар дастурида Гулистан шахридаги “Сирдарё ғунчалари” рақс дастасининг фольклор рақслари кўпчиликнинг эътиборини тортиб келмоқда. Айниқса, уч қисмдан иборат “Сават тўқиши” фольклор рақсида ибтидоий даврлардаги меҳнат жараёнлари, миллий қадриятларимиз, ўзбек халқининг инсонпарварлиги, бағрикенглиги болаларча бегубор туйғулар уйғунлигига тараннум этилади. Композициянинг биринчи қисмида “Сават тўқиши” бўлиб, унда новдаларни парваришлашдан бошлаб то сават тўқишигача бўлган жараён рақс ҳаракатларида ифодаланади. “Тандирон” деб номланган иккинчи қисмида ўзбек хонадонларида ун элаш, хамир қориш, нон ёпиш, тандирда қизариб пишган нонларни саватларга солиб меҳмон кутиш маросими тасвиранади. Композициянинг “Саватчи қизалоқлар сумалак сайлида” фаслида буғдой экиш, қозонга тош ташлаш, чалпак пишириб, саватларда меҳмонларнинг олдига қўйиш, кейин пиёлалардаги сумалакларни саватларга чиройли қилиб териб, тарқатиш жараёнлари миллий қадриятлар билан уйғунликда кўрсатилади.

Таникли балетмейстр, Гулистан шахридаги 1 – мусиқа ва санъат мактаби рақс синфи ўқитувчиси, Республика халқ таълими аълочиси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси томонидан ташкил этилган Республика балетмейстрлар

кенгаши аъзоси Барнохон Холиқова саҳналаштирган “Саватчи қизлар” рақси бугун дунё кезмоқда. Ҳар бир санъат тури у фольклор ёки эстрада йўналиши бўладими, аввало маънавий таъсир қўрсатиш баробарида эстетик завқ ва кайфият улашади. Хорижда ҳам “Сават тўқиши” ва “Саватчи қизлар” рақсларига қизиқиши катта. Демак, унинг ҳаётсеварлик, меҳр – оқибат, яхшилик ва эзгулик каби умуминсоний туйғуларни ҳамда ўзбек халқининг меҳмондўстлигини кенг тараннум этиши турли халқлар ва миллатларнинг дўстлиги, бирдамлигига сабаб бўлмоқда.



Дарҳақиқат, болалар оммавий рақсларини саҳналаштириш ниҳоятда мураккаб жараён. 2017-2018 йилларда “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти кўрик-танловининг Республика босқичида “Сирдарё ғунчалари” рақс дастаси 1-ўринни эгаллаб, Барнохон Холиқовани янги ижодий кашфиётларга илҳомлантириди. 2018 йил фольклор рақс композицияси билан Сурхондарёда бўлиб ўтган “Бойсун баҳори” Халқаро фольклор фестивалида 3-ўринни, Навоий шаҳрида “Нурли наволар” Халқаро фольклор фестивалида 1-ўринни, 2019 йил Қирғизистон Республикасида бўлиб ўтган “Иссиқкўл истеъдодларни чорлайди” Халқаро болалар фестивалида “Саватчи қизалоқлар” ракси 2-ўринни эгаллаб, кумуш медал билан тақдирланди.

Инсониятга маънавий озуқа, эстетик завқ, руҳий таскин берувчи миллий рақслар умрбоқий қадриятлар, асрий орзуларнинг тасвирий

ифодасидир. Улар ёш авлодни миллий ғуур, ўтмиш ҳақиқатлариға қизиқиш, юрт тарихига муҳаббат руҳида улғайтиради. Болалар рақс таълимида устознинг шогирдлари билан мулоқоти нафақат жонли, балки теран ва таъсирчан, ҳаққоний ва ишонарли, бетакрор ва рухлантирувчи бўлсагина ўзнинг чинакам самарасини беради. Буюк ипак йўли карvonлари элларни бир - бирига боғлаб, савдо - сотик билан шуғулланишдан ташқари ҳунармандлик, урф - одат ва қадриятларни ҳам тарғиб қилган. Бу карvonлар Амударё ва Сирдарё оралиғидаги эзгулик кўприклари ҳисобланиб дунёning азим уммонларига турфа маҳсулотлар билан бир қаторда санъат ва маданият намуналарини ҳам ёйган.

Эътироф этиш керак, Барно Холиқова ўзининг изланишлари, тиниб - тинчимаслиги туфайли Сирдарё рақс мактабига асос солди. Қадим Сирдарё этакларида яшаган халқлар ижодиётини, ранг - баранг асарларининг моҳияти, ижро йўналишини сайқаллаб янги босқичга олиб чиқди. Халқона миллий рақсларни замонавий усул ва услублар билан такомиллаштириди. Ҳар бир яратилган рақс улуғ аждодларимиздан мерос бўлиб, табаррук заминимизни мадҳ этиши, эзгуликка чорлаши, дўстликка ва қардошликка ундаши, кичкинтойлар қалбида эстетик завқ уйғотиши лозим. Барнохон Холиқова болалар руҳиятини яхши билади, уларнинг ёшига мос бўлмаган, салбий таъсир ўтказадиган мавзуларга қўл урмайди. Унинг “Сават тўқиши” фольклор рақсининг тарбиявий аҳамияти, таъсирчанлиги кишини ҳайратга солади. Гурухида 3-4 ёшли кичкинтойлар ҳам бор. У болалар билан ишлашдан эринмайди, рақс санъати орқали уларнинг кўнглида яратувчанлик ва бунёдкорлик, гўзаллик ва нафосат туйғуларини уйғотишига ишонади.

Барнохон Холиқова “Сирдарё наволари” ашула ва рақс ансамбли қошида ташкил этган “Сирдарё ғунчалари” болалар рақс дастаси тез орада мамлақатда ном қозонди.

2016 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Виктория” Халқаро танловида “Саватчи қизалоқларнинг сумалак сайли” рақси билан мутлақ

ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ

ғолибликни ҳамда мазкур танловда доимий иштирок этиш имкониятини қўлга киритишиди. “Сирдарё ғунчалари” учун 2017 йил янада муваффақиятли бўлди. Наргиза Назарова Болгария давлатида, Хуснидахон Абдусаломова Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро рақс фестивалида “Саватчи қизалоқ”нинг якка рақсини ижро этиб, фахрли 2-ўринни эгаллади.

2021 йил май ойида Евроосиё рақс академияси ташабbusи билан Америка Кўшма Штатларида бўлиб ўтган дунё рақслари фестивалида “Сават тўкиш” болалар фольклор рақси алоҳида эътироф этилди. “Сирдарё ғунчалари” рақс дастаси раҳбари Б.Холиқова ўзбек рақс санъатини дунёга тарғиб қилишдаги фидойилиги ва жонкуярлиги учун академия президенти Emiko Nur Nakamura томонидан “Рақс санъати устаси” номинацияси билан тақдирланган.

Энг қадим замонлардан ҳар бир ўзбек хонадонида катта ва кичик саватлар бўлган, ёз, куз фаслларида турли миллат вакилларидан иборат маҳалла болалари қўни – қўшниларга сават – сават мевалар тарқатишади. Бу каби соф ўзбекона фазилатлар болаларни бир – бирига яқинлаштиради, дўстлаштиради. Зоро, ўзбек саватлари фаровонлик, саховат ва меҳр-муҳаббат рамзиdir. Рақсни томошабинда сават билан боғлиқ миллий қадриятлар, урфодатлар ва анъаналар ҳақида тасаввур уйғотади. “Саватчи қизалоқлар” ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, меҳр – оқибатини тарғиб қилиш орқали мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Барнохон Холиқова қатор йиллардан буён санъат мактаби ўқувчилари учун саҳналаштирган рақслари, театрлаштирилган композициялари билан Республика миқёсида бўлиб ўтаётган маърифий тадбирлар ҳамда байрам тантаналарида муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Атоқли санъатшунос Любовь Авдеева тўғри таъкидлаганидек,: “Рақс замонавий ва маконий санъатнинг шундай турики, унда бадиий образ инсон гавдасининг ритмик уюшган, тасвирий ва ифодали ҳаракатлари билан яратилади.” Биз сават

образида ўзбек халқининг энг олижаноб фазилатларини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Тараққиёт сари дадил одимлаётган ҳар бир давлат тарихга назар ташлаб, миллий урф – одатлар, қадимий анъаналар, бетакрор қадриятларни ўрганишга ва асраб – авайлашга интилади. Бу борада миллий рақс санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Ўсиб келаётган ёш авлод аждодларимиз қолдирган маънавий мерос, илмий кашфиётлар билан фахрланиш туйғусини кучайтириш, уларнинг онгу – шуурида миллий ўзлик ва миллий ғуур туйғуларини юксалтиришда фольклор қўшиқ-рақсларини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди.

Ўзида тарихий ва замонавий рухни мужассамлаштирган Сирдарёнинг “Саватчи қизлари” ўзбек халқи меҳмондўстлиги, бағрикенглиги ва муҳаббатининг рамзи сифатида дунё кезмоқда. Турли миллатлар ва элатларга завқ улашиб, уларнинг меҳр ришталари янада мустаҳкамланиши учун ҳисса қўшмоқдалар. Муҳими, сирли воҳанинг сирли саватлари Учинчи Ренессанс пойдеворини яратоётган янги Ўзбекистоннинг умуминсоний қадриятлари кўламини кенгайтирмоқда. Энг мунаввар урф – одатларимиз, анъаналаримизни намоён қилгувчи миллий рақс санъатимиз мамлакатлар ва қитъаларни туташтиргувчи олтин кўприк вазифасини ўтамоқда.

ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти.,2021.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.ЎзА, 2020й.,4 февраль.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 7- ж. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат нашриёти.,2004.
- 4.Ғафур Ҳ. Халқ ўйинлари, қўшиқлар ва анъаналарга бир назар.Т.: “Камалак”, 1992.